

# **Қиёматнинг кичик аломатлари**

**(Давоми)**

﴿ علامات الساعة الصغرى ﴾

الجزء الثاني

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

**Абдулқайюм Абдулғаффорхон ўғли**

**Нашрга тайёрловчи: Шамсиiddин Даргомий**

2010 - 1431

**Islamhouse**.com

# ﴿ علامات الساعة الصغرى ﴾

الجزء الثاني

« باللغة الأوزبكية »

عبد القيوم بن عبد الغفار خان

مراجعة: شمس الدين درغامي

2010 - 1431

islamhouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## Қиёматнинг кичик аломатлари

**Олтинчи кичик аломат:** бозорларнинг кўплиги ва бир бирига яқинлиги.

Абу Ҳурарайра ﷺ ривоятида ҳазрат Пайғамбаримиз алайҳис салом: "Турли фитналар кўпайиб, ёлғончилик авжига чиқиб, бозорлар бир бирига яқин жойлашмагунга қадар қиёмат қойим бўлмайди", деганлар. (Имом Аҳмад Муснад).

Шайх Ҳамуд Ат Тувайжирий ушбу ҳадис шарҳида: баъзи бир заиф ҳадисларда "Бозорларнинг бир бирига яқин жойлашиши"дан мақсад фойданинг камайишига ишора қилинган. Бироқ бу ҳадис замонамизда содир бўлаётган бутун ер юзида аҳолининг зич яшашига ишорадир. Зотан ер курраси аҳолиси бугунда сув ва қуруқлик кемалари, телефон хизматларига ўхшаш турли йўллар орқали бир бирига яқинлашди. Бинобарин бозорлар ҳам бир бирига яқин жойлашмоқда. Бугунги кунда катта савдогарлар ер куррасининг қаерида нарх ошиб, қаерида нарх тушаётганидан ҳар лаҳзада хабардор бўлмоқдалар. Кунлик хабарларга таянган ҳолда нарх белгиламоқдалар. Илгари бир неча кунда босилган масофага бугунда савдогарлар шамолдек еладиган енгил машиналарда бир неча соатда бориб келишмоқда. Худди шундай илгари бир неча ойда босиб ўтиладиган масофага учокларда бир кунда бориб келишмоқда. Шунга асосланган ҳолда қиёматнинг кичик аломатидан бири бўлмиш бозорларнинг бир-бирига яқин жойлашиши ёки яқинлашишини уч хил шарҳласак бўлади:

- 1- Нархларнинг кўтарилаётгани ёки аксинча тушаётганидан қисқа вақт ичida хабардор бўлиш.
- 2- Бир биридан узоқ жойлашишига қарамасдан яратилган қулайликлар сабабли бир бозордан иккинчи бозорга қисқа муддат ичida бориб келиш қулайлиги.
- 3- Бозорларнинг молларга нарх белгилашда бир бирига яқинлиги. Валлоҳу аълам. (Итҳофул жамоаъ 1/99).

**Еттинчи кичик аломат:** мусулмонлар орасида ширк амалларининг кенг тарқалиши.

Дарҳақиқат ер юзида ширк амаллари кенг тарқалганига ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Ислом диёрининг аксарида мусулмон ҳалқ билиб ё билмасдан ширк амалларига йўл қўймоқдалар. Баъзи жойларда ҳалигача исломдан олдинги оташпастлик одатлари давом этиб келмоқда. Бунга яққол мисоллардан бири: остона хатлаб келаётган келинчакни олов атрофида айлантиришдир. Олов атрофида айланиш ширқдир. Қадимий эронликлар оловга сифинган оташпастлар бўлганлар. Ислом дини Каъбатуллоҳдан бошқа нарса ёки уй тавоғ қилинмайди, айланилмайди. Баъзи жойларда эса дуппа-дуруст, ўзини мусулмон, аҳли суннат вал жамоатдан ҳисоблаган одамларнинг бузруглар қабрларини тавоғ қилаётганини кўриб ҳайратдан ёқа тутасиз. Жуда кўп диёrlарда эса қабрлар олдида жонлиқ сўйишлар ибодат тусини айланган. Ҳа.. ўша қабрлар олдида

жонлик сүйгүвчилар күринган қабр олдида эмас, балки хос қабрлар, бузруклар қабри олдида сүядилар. Күпчилик қабр сохибидан ошкора мадад ва ёрдам тилайдилар. Бефарзандлар фарзанд сўрайдилар. Касаллар шифо беришини ўтина дилар.

Мазкур амалларнинг ҳаммаси Аллоҳ кечирмайдиган катта ширқтир. Аллоҳ таоло айтади: (**Албатта Оллоҳ Үзига (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Үзи хоҳлаган бандалари учун кечирур. Ким Оллоҳга (бирор кимса ёки нарсан) шерик келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди**). (Нисо 48).

**Саккизинчи кичик аломат:** Фоҳиша сўз ва бузуклик, қавми-қариндошлардан алоқани узиш ҳамда қўшниларга азият беришлар кенг тарқалади.

Мазкур амаллар шариатда ҳам, ақллилар наздида ҳам қабих ҳисобланади. Ёмон сўз, ярамас қилиқ, бузуклик ва қўшниларга озор етказиш каби разил амаллар имон тақозосига зиддир. Бу янглиғ ярамас, ғайри инсоний амаллар кўп ҳолатда имонсизлар ёки имонсизларга кўр кўронга эргашган еталатма чала "мусулмон" ва виждонсизлардан содир бўлади. Аллоҳ таоло айтади: (**Агар (имондан) юз ўғирсангизлар, яқинки сизлар ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз (билин ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар. Ундоқ кимсаларни эса Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг (кулоқларини панд-насиҳат эшитишдан) кар, қўзларини эса (Тўғри Йўлни кўра олмайдиган) кўр қилиб қўйгандир**). (Муҳаммад 22-24).

Ҳазрат Пайғамбаримиз ﷺ қариндош уруғлардан алоқани узишдан огоҳлантириб: "Қариндош-уруғлардан алоқани узган киши жаннатга кирмайди", деганлар. (Имом Муслим 16/114).

Қўни қўшниларга озор беришдан қайтариб ҳазрат Пайғамбаримиз ﷺ бундай деганлар: "Кимда ким Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин". (Муслим/имон).

**Тўққизинчи кичик аломат:** Бахилликнинг оммалашиши.

Абу Ҳурайра ﷺ ривоятида ҳазрат Пайғамбаримиз ﷺ: "Қиёмат аломатларидан бири: бахилликнинг юзага чиқишидир", деганлар. (Тобороний).

Ҳадиснинг арабча лафзида бахиллик калимаси "الشح" – "Аш-шух", бахиллик билан бирга дунёга ўта ҳирс қўйиш ва ўзгалар яхшилигига ҳам ғов бўлишдир, деб келган. Бахиллик исломда разил хулқ ҳисобланади.

Тақволи, имонли инсонлар бахил бўлмайдилар. Ҳеч кимни яхшилиқдан тўсмайдилар. Сахийлик пайғамбарлар ва солиҳ инсонлар хулқидир. Аллоҳ таоло айтади: (**Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчи зотлардир**). (Ҳашр 9).

Жобир ибн Абдуллоҳ ﷺ ривоятида ҳазрат Пайғамбаримиз ﷺ: "Зулм (қилиш)дан сақланингиз, чунки зулм қиёмат кунида кўп зулумат-коронғулиқдир. Бахилликдан сақланингиз, чунки баҳиллик сизлардан олдинги (умматларни) ҳалокатга учратди ва айни пайтда баҳиллик уларни қонларни тўкишга ҳамда (Аллоҳ ҳаром қилган) нарсаларни ҳалол дейишгача олиб борди", деб огоҳлантирганлар. (Имом Муслим/Ал Бирр).

**Ўнинчи кичик аломат:** Тижоратнинг кенг тарқалиши.

Пайғамбарлар султони ҳабибимиз Мұхаммад ﷺ қиёматнинг кичик аломатларидан бири тижоратнинг авжига чиқишидир. Бу вақтда ҳатто аёллар ҳам эрларига олди сотди ишларида ҳамкорлик қиласидар, деб хабар берганлар. Жумладан Абдуллоҳ бинни Масъуд ﷺ ривоятида Пайғамбаримиз ﷺ бундай деганлар: "*Қиёмат олдин киши фақат танишларига салом бериши ҳамда тижоратнинг авжга чиқиши (каби аломатлар) бор. Ҳатто аёллар эрларига совда сотиқ ишларида шерик бўладилар*". (имом Аҳмад 1/499).

**Ўн биринчи кичик аломат:** Зилзиланинг кўпайиши.

Имом Бухорий ҳазратлари китобул фитанда ривоят қилган ҳадисда ҳазрат Пайғамбаримиз ﷺ: "**Зилзила кўпаймагунгача қиёмат қойим бўлмайди**", деганлар. (Бухорий/ал фитан).

**Ўн иккинчи кичик аломат:** ер тортиши, инсон қиёфасининг манфур шаклга айланиши ҳамда тош бўронларни пайдо бўлишларидир.

Имом Термизий Ойша онамиздан ривоят қилган ҳадисда ҳазрат Пайғамбаримиз ﷺ бундан деганлар: "Бу уммат охирида ер тортишлар, (инсон қиёфасининг бошқа тус олиши) ҳамда тош бўронлар содир бўлади. Ойша онамиз: эй Росулуллоҳ! Орамизда солиҳ кишилар бўлсада, ҳалокатга учраймизми?-дедилар. "Ҳа.. вақтики бузуқлик кўпайса", деб жавоб бердилар ҳазрат Росулуллоҳ ﷺ. (Термизий /фитан).

Хабарларда инсон қиёфасининг бошқа манфур шаклга ўзгартирилиши билан тош бўронлар зиндиқлар ва қадария тоифасининг бошига етадиган бало экани зикр этилади. Баъзи хабарларда эса мазкур бало мусибатта қўшиқчи ва ароқхўрлар мубтало бўладилар, деб келган. Улуғ саҳобий Абу Молик Ал Ашъарий ривоятида ҳазрат Пайғамбаримиз ﷺ: "Умматим орасида ароқни бошқа номлар билан атаб, ичувчилар чиқади. Улар бошида чалғу дуторлар чалиниб туради. Аллоҳ таоло ана ўшаларни ерга юттиради ва маймуну тўнғизларга айлантириб қўяди". (Ибн Можа/фитан).

Инсон қиёфасининг маймун ёки тўнғиз қиёфасига айланиши ҳиссий ҳам, маънавий ҳам бўлиши мумкин. Парвардигори олам яхудийлар ҳақида хабар бериб деди: «**Орангиздан шанба кунида ҳаддан ошган кимсаларни билдингиз. Бас, Биз уларга: «Бадбахт**

*маймунларга айланингиз», дедик. 66. Биз бу уқубатни ўша вақт ва кейинги даврлар учун ибрат, тақволи кишилар учун маевъиза (насихат) қилдик».* (Бақара 65-66).

Иbn Касир роҳимаҳуллоҳ ушбу оят тафсирида: улар ҳақиқий маймунларга айланишган эди. Бу сўзни тафсир имомлари бўлмиш Иbn Аббос ва бошқа саҳобалар қўллаб қувватлаганлар, дейди. (Иbn Касир 1/151).

**Ўн учинчи кичик аломат:** таниш билишларга салом бериш.

Салом алиқ Исломнинг улуғ шиорларидан биридир. Мусулмон кишининг танигану танимаган диний биродарлари бўлмиш мусулмонларга салом бериши суннатdir. Қиёматга яқин мусулмонлар фақат таниш билишларига салом берадиган бўлиб қоладилар. Салом берган бегона кишига алиқ қайтариш ўрнига унга ҳайратланиб боқади. Бу қиёматнинг кичик аломатларидан биридир. Имом Аҳмад ривоятида ҳазрат Пайғамбаримиз ﷺ: "Қиёмат аломатларидан бири: кишининг ўз танишларига салом беришидир", деб хабар берганлар. (Имом Аҳмад /Муснад).

**Ўн тўртинчи кичик аломат:** Кийимли ялонгоч аёлларнинг пайдо бўлиши.

Аёллар орасида тарқаладиган бу қабиҳ сифат ҳозирги даврда роса кенг тарқалди. Ҳозирда ҳаёли иболи аёллар четга сурилиб, номўссиз, ҳайвон сифат бешарм аёллар давра тўридан жой олаётганларини кўриб, эшитмоқдамиз.

Бугунги авлод фан-техника асрининг авлодлари. Фан-техника ривожланиб инсонни оёғи ойга етди. Сувга шўнғиди. Ерда бузғинчилик қилувчи турли қурол аслиҳалар ишлаб чиқилди. Лекин минг афсуски фан-техника асридаги инсонлар ер устида инсонсифат бўлиб юришни ўнутдилар. Одамлардан шарму ҳаё кўтарилди. Чор атрофни фасод ўраб олди. Файридинлар таъсири остида мусулмон ҳалқ бузилди ва бузилмоқда. Бузғунчилик йўлида Ислом ва мусулмонларни бузиш ва тўғри йўлдан чалғитиш учун душманлари бўлмиш ғайри динлар бор кучларини сарфламоқдалар. Натижада мусулмон қиз жувонлари ибосизликда коғирларни йўлда қолдирадиган бўлдилар. Фарзанд тарбиясида асосий рол ўйновчи муслима аёлларнинг кўпчилиги Исломдан ёт аёлларга айланишмоқда. Ақллилар, имонлилар, зиёлилар, ҳалқпарварлар, ҳаёлилар ва миллатчилар бир четда қолиб, даврани масхарабозлар, аксиячилар, бешармлар, қўшиқчи ва раққосалар эгалламоқдалар.